яратиш ва фойдаланиш методикаси. Педагогика фанлари буйича фалсафа фан.док.дис.13.00.02. –Бухоро: 2009.
2. Суропов Б.М. Электрон таълим муҳитида ахборот коммуникация технологиялари фанини ўқитишнинг методик таъминотини такомиллаштириш. Педагогика фанлари буйича фалсафа фан.док.дис. 13.00.06. –Тошкент: 2019. 75- б.
3. Шкутина Л.А. Подготовка педагога профессионального обучения на основе интеграции педагогических информационных технологий: дис.док.пед.наук. 13.00.08. –Караганда: 2002. –С.390.
4. Понятие и классификация педагогическое программное средство. Понятие и классификация ППС. Технология создания мультимедийных приложений. Создание электронных учебных курсов. Технология разработки тестовых заданий. Электронные учебники. http://vunivere.ru/work6194.
5. Что такое визуализация и как она работает? http://constructors.ru sila-mysli/chto-takoe-vizualizaciya-i-kak-ona-rabotaet.html
6. Каюмова Н.А. Касб-ҳунар коллежларида «Ахборот технологиялари» фанидан ўқув машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси. Дис.пед.фан.ном. – Тошкент: 2008. 156-б.
7. Олий таълим. Луғат маълумотнома. /Академик С.С.Ғуломов таҳрири остида. -Тошкент: Молия, 2003. 216- б.

**РЕЗЮМЕ**

Бу мақолада олий таълимда ўқув жарёнида ўқув симуляторларини қўллаш орқали ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланадиган талабалар машғулотни самарали ўзлаштириб, мустақил ишлаш ва ижодий фаолият босқичига ўтганларида, ўқитувчининг берган янги ахборотлари билан чегараланмай, ўзлари бўш вақтларида мустақил равишда симуляторлардан фойдаланиб, билимларини ошириб бориши назарда тутилган.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается проблема обучения студентов в ВУЗе с применением симуляторов в информационно-коммуникационной технологии, использование которых эффективно влияют на улучшение качества учебного процесса. При выполнении заданий студенты эффективно усваивают информацию, затем постепенно переходя к этапу самостоятельной работы, учащиеся уже сами умело используют симуляторы, которые действительно дают положительные результаты.

**SUMMARY**

This article assumes that the students who uses information and communication technologies in higher education through the use of training simulators in the educational process can effectively learn their lessons and enlarge their knowledge while moving to the stage of independent work and creative activity, not being limited to new information provided by the teacher.

# ЎҚИТУВЧИЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ХОРИЖДА ВА ЎЗБЕКИСТОНЛИК ОЛИМЛАР ТОМОНИДАН ЎРГАНИЛИШИ

**А.Даўкеева –** *педагогика фанлари буйича фалсафа доктори*
*Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти*

**Таянч сўзлар:** педагогик фаолият, педагогик қобилият, дидактик қобилият, академик қобилият, перцептив қобилият, нутқий қобилият, ташкилотчилик қобилияти.
**Ключевые слова:** педагогическая деятельность, педагогические способности, дидактические способности, академические способности, перцептивные способности, говорящие, организаторские способности.
**Key words:** pedagogical activity, pedagogical ability, didactic ability, academic ability, perceptual ability, speaking ability, organizational ability.

Ўқитувчининг психологик хусусиятлари ва шахсий фазилатларини чуқур ўрганиш ишлари йигирманчи асрнинг 30-40 йилларидан кенг йўлга қўйила бошланди. Талаба шахсининг ривожланишида ўқитувчининг роли бениҳоят муҳимдир, чунки у таълим ва тарбия жараёнининг ташкилотчиси вазифасини бажаради. Ҳозирги шароитда ўқитувчининг ташкилотчилик қобилиятига нисбатан юксак талаб қўйилади, шу боисдан ижтимоий-тарихий тажрибаларнинг бойлиги эхтиёжлар кўламининг ортишига бевосита боғлиқ.

Йигирманчи асрнинг 70-80-йилларида педагогика ва психология фанларида ўқитувчининг касбий тайёргарлигига, лаёқатига, шунингдек, шахсий сифатларини шакллантириш масаласига оид тадқиқот ишларининг кўлами кескин равишда ортди. Ўқитувчининг характер хислатлари, педагогик қобилиятлари, куникма ва малакалари, унда тарбиячилик маҳоратини таркиб топтириш шартлари ўрганилмоқда. Кейинги пайтларда ўқитувчининг касбий сифатларини шакллантиришнинг механизмлари ва қонуниятларини кашф қиладиган махсус илмий изланишлар салмоғи тобора ортиб бормоқда. Касбий тайёргарликка оид тадқиқотларда ўқувчиларда ўқитувчилик касбига қизиқишнинг уйғониши, ўқитувчилик касбини танлашнинг мотивлари, ўқувчилар ва талабаларда педагогик йўналишни таркиб топтириш, тарбия жараёнининг илмий-назарий муаммолари, ўқитувчилик маҳоратини эгаллашнинг психологик манбалари, педагогик қобилиятларининг ривожланиш хусусиятлари, ўқитувчи билан ўқувчининг (талабаларнинг) ҳамкорлик фаолияти, педагогик мулоқотнинг психологик асослари очиб берилмоқда.

Бу соҳанинг йирик тадқиқотчилари қаторига И.В.Страхов, Н.В.Кузьмина, А.И.Щербаков, Ф.И.Гоноболин, В.А.Сластёнин, С.Р.Ражабов, М.О.Очилов, М.Г.Давлетшин, Р.З.Гайнутдинов ва бошқаларни киритиш мумкин. Рус психологи **И.В.Страхов** *«Педагогик такт психологияси»* номли асарида ўқитувчининг психологик одоби масаласини тадқиқ қилиб, олинган натижаларни умумлаштириб берган. Унинг фикрича, педагогик одобда асосий ўринни ўқувчига таъсир этишни мақсадга мувофиқ кузатиш, кундалик педагогик ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлиги, ҳамкорлик фаолиятида ўқувчининг шахс хусусиятлари билан унинг имкониятларини эътиборга олишни эгаллайди. Бу асрда педагогик одобни (тактни) шакллантириш хусусиятлари ва унинг босқичлари туғрисида умумлашган мулоҳазаларга якун ясалади. Ана шу сабабдан **И.В.Страхов**нинг мазкур иши ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга бағишланган дадил илмий қадам ҳисобланади [1:273].

Рус олимаси **Н.В.Кузьмина** ўқитувчилик фаолиятида педагогик қобилиятларнинг роли ва уларни таркиб топтиришга оид қатор илмий тадқиқот ишларини олиб борган. Муаллиф шахсий тадқиқотларида педагогик қобилиятларни гностик (билишга оид), проектив (олдиндан режалаштиришга қаратилган), конструктив, ташкилий ва коммуникатив турларга ажратиб, уларнинг хар бирига чуқур психологик тасниф билдирилади, ҳар бир таркибий қисм тажриба материаллари билан мустаҳкамланади.

**Н.В.Кузьмина** педагогик қобилиятнинг муҳим аломатлари қаторига кузатувчанликни ҳам киритади, ўқитувчининг бу хислари ўқувчининг ички кечинмалари хис-туйғулари каби омилларни аниқлашга хизмат қилади. Бу нарса ўқувчининг фаолиятида юзага келадиган қийинчиликларни енгиш билан боғлиқ хатти-ҳаракатларни илғашга имкон яратади, унда айрим ўзгаришни куриш ва таҳлил қилиш шарт-шароитлари туғилади. Ўқитувчида кузатувчанликнинг пайдо бўлиши натижасида у диагностик сифатни вужудга келтиради деб айтиб ўтган [2:118].

Рус психологи **А.И.Щербаков** фикрига кўра, педагогик фаолият - бу ўқитувчи олдига жиддий талаблар қўядиган мураккаб психологик актдир. Педагогик фаолият ўқитувчини чуқур ва пухта билимга, педагогик қобилиятга, мустахкам характерга, юксак маънавиятга эга бўлишини тақозо қилади.

**А.И.Щербаков** ўқитувчи шахси олтита касбий таркибий қисмдан иборат эканлигини таъкидлаб ўтади:

- ♦ Юксак савиядаги билим ва маданият
- ♦ Йўналишнинг аниқ ифодаланганлиги
- ♦ Юксак ахлоқий ҳисларнинг мавжудлиги
- ♦ Юқори даражада юзага келувчи фаоллик ва барқарор мустақиллик
- ♦ Қатьий ва силлиқ характер
- ♦ Педагогик қобилиятлар

**А.И.Щербаков** педагогик фаолиятда маҳорат жуда муҳим ўрин эгаллашини таъкидлаб, ўқитувчининг шахсий фазилатлари, унинг билимлари, амалий куникма ва малакалари ўзаро бирлашиб педагогик маҳоратни вужудга келтиради, дейди. Педагогик маҳоратнинг шаклланиши ўқитувчи шахсининг такомиллашиши жараёни билан боғлиқдир.

Рус психологи **Ф.Н.Гоноболин** педагогик қобилиятларни куйидаги турларга ажратиб урганишни таклиф қилади:

- ♦ Дидактик қобилиятлар
- ♦ Академик қобилиятлар
- ♦ Перцептив қобилиятлар
- ♦ Нутқ қобилиятлари
- ♦ Ташкилотчилик қобилияти
- ♦ Авторитар қобилиятлар
- ♦ Коммуникатив қобилиятлар
- ♦ Педагогик хаёл
- ♦ Диққатни тақсимлаш қобилияти.

**Ф.Н.Гоноболин** педагогик қобилиятларни таркиб топтириш босқичлари, хусусиятлари, хоссалари тўғрисида мукаммал маълумотлар беради. Таълим ва тарбия жараёнини такомиллаштиришда педагогик қобилиятларнинг роли тажриба материалларига асосланиб шарҳлаб берилади.

Шундай қилиб, кўпгина олимлар ўз асарларида ўқитувчининг муҳим фазилатлари мавжудлигини баён қилганлар. Энг асосий сифатларга кўйидагиларни киритиш мумкин: ўқитувчининг ҳар томонлама баркамол бўлиши, ўзининг юксак хислатлари, ҳис-туйғулари билан бошқа касбдаги кишилардан ажралиб туриши, ёшлар рухиятига осон кира олиш қобилияти, тараққиётда орқада қолганлар билан яккаҳол ишлаш ўқувчанлиги, ўқувчилар диққатини ўзига торта олиш сеҳри, ўз касби, фаолият ва болаларни севиши, таълимда хиссий билиш услубидан унумли фойдаланиш ўқуви, мустақил ишлаш малакасини ошириш қобилияти, психологик муомала ва одобга эга бўлиш қобилияти, психологик муомала ва одобга эга бўлиш кабилар. Шуни алоҳида таъкидлаб утиш керакки, улар томонидан таҳлил қилинган ўқитувчининг сифатлари то ҳозирги кунгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда. Демак, аждодларимизнинг ғоясини такомиллаштириш эвазига ҳозирги замон таълимини юксак босқичка кўтариш мумкин. Шу қотарда Марказий Осиё мутафаккирларининг бой илмий, маданий меросига асосланиб, Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимлар ўқитувчилик касби, унинг ўзига хос хусусиятларини урганганлар ва урганишда давом этмоқдалар [3:43].

Йирик ўзбек олими **С.Р.Ражабов** бутун умр ва фаолиятини ўқитувчи шахсини тадқиқ қилишга, ўқитувчилар тайёрлашни такомиллаштиришга, булғуси муаллимларни шарқона тарбиялашга бағишлаганлар. Ўқитувчининг йирик сиймолар намунасида тарбиялаш аҳлоқий тарбия умумтарбиянинг етакчи бўғини эканлиги олимнинг асарлари моҳиятига сингиб кетгандир. С.Р.Ражабов ва унинг юзлаб шогирдларининг ишлари ҳам ўқитувчининг педагогик ва психологик хусусиятларига қаратилгандир.

Ўзбек олими **М.О.Очилов**нинг кўп йиллик тадқиқоти ичида ўқитувчи шахсини шакллантириш масаласи марказий уринни эгаллайди. Умуминсоний хислатлар ва миллий хусусиятларни чоғиштирган холда булғуси ўқитувчи шахсини таркиб топтириш ғояси муаллифнинг муҳим ютуғидир. Ўз тадқикотларида **М.О.Очилов** бевосита ҳалқ педагогикасига асосланиб, миллий тарбияни вужудга келтириш устида изчил илмий ишларни олиб борди.

Психолог **М.Г.Давлетшин** ва унинг шогирдлари томонидан ўқитувчи психологиясининг турли жабҳаларига қаратилган тадқиқотлар амалга оширилди. Ўқитувчилик касбига ўқувчиларни йўналтириш, ўқитувчилик касбини танлаш мотивлари, ўқитув ва тарбиялаш ишларини такомиллаштириш, ўқитувчининг профессиограммасига асосланиб, хусусий иҳтисосликнинг ўзига хос жиҳатларини кашф этиш, ўқитувчи тафаккури каби масалалар шулар жумласидандир [4:79].

**Р.З.Гайнутдинов** ўзбек мактаблари ўқитувчиларининг миллий характери, фаолиятнинг миллий ўзига хослиги ҳамда уларни диагностика қилиш имкониятлари, ривожлантириш йўл ва воситаларига йўналтирилган тадқиқот ишларини олиб борди. Айниқса, этнопсихологик хусусиятларни жаҳон психологияси ютуқлари билан чоғиштирган ҳолда ўқитувчи шахсини шакллантириш ғояси шарқона тарбияни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Биз мазкур муаммони ўрганишда куйидаги жабҳаларга диққатимизни қаратдик:

1) бўлғуси ўқитувчининг тафаккури,
2) талабаларни ўз-ўзини баҳолашга ўргатиш,
3) амалиётда ўқув фаолиятини ўзи бошқариш,
4) булғуси мутахассис акл-заковатини текшириш ва ривожлантириш,
5) ўқув мотивлари ва қизиқишларни бошқариш имкониятлари,
6) ўқитувчининг педагогик қобилиятлари ва бошқалар.

Шунингдек, ўқитувчи шахсини ўрганишда тестлардан фойдаланиш ва психологик тренингларни қўллаш муҳим ахамият касб этади.

Ўқитувчининг **педагогик қобилиятлари** таркибига қуйидагиларни киритиш мумкин:

♦ Дидактик қобилият (осон йул билан мураккаб билимларни тингловчиларга тушунтириш укувчанлиги).

♦ Академик қобилият (барча фанлар юзасидан муайян билимга эга бўлишлик).

♦ Перцептив қобилият (қисқа дақиқаларда аудитория ҳолатини идрок қила олиш фазилати)

♦ Нутқий қобилият (ихчам, маъноли, охангдор, муайян ритм, темп, частотага эга бўлган нутқ, нутқнинг жарангдорлиги, унинг пауза, мантиқий урғуга риоя қилиши).

♦ Ташкилотчилик қобилияти (синф, гуруҳ ёки курсни уюштириш ва уни бошқариш истеъдоди).

♦ Обрўга (нуфузга) эга бўлишлик қобилияти (ўзининг шахсий хусусияти, билимдонлиги, ақлфаросатлилиги, мустаҳкам иродаси билан обрў орттириш укувчанлиги).

♦ Муомала ва мулоқот ўрната олиш қобилияти.

♦ Психологик ташхис (диагноз) қобилияти (инсоннинг келажагини оқилона тасаввур қилишдан иборат башорати).

♦ Диққатни тақсимлаш қобилияти (бир неча объектларга бир даврнинг ўзида ўз муносабатини билдириш укуви).

♦ Иймон-эътиқодга, фаол хаётий позицияга йўналтириш қобилияти.

♦ Ташаббусга, ижодга илхомлантириш қобилияти.

♦ Ақли донишлик қобилияти (билимдонлик)

♦ Конструктив қобилият (укув-тарбия ишларини режалаштириш ва натижасини олдиндан айтиш қобилияти).

♦ Гностик қобилият (тадқиқотга лаёқатлилик).

Ўқитувчилик фаолияти тарбиявий, таълимий ва муомалавий хусусият касб этиб, у «талаба-ўқитувчи», «ўқитувчи-талаба», «талаба-талаба» схемасига асосланади. Муомала таркибини биридан иккинчисига ўтиш натижасида ўзаро ҳамкорлик фаолияти вужудга келади.

Ўқитувчи шахсини ўрганиш учун тестлардан фойдаланиш мухим ахамиятга эга, чунончи:

- мақсадга эришув тестлари,
- интеллект тестлари,
- шахс тестлари,
- проектив тестлар,
- кўрув ва эшитув хотираси тестлари туркуми шулардан иборат.

Бундан ташқари, дунёга машхур мумтоз тестларни қўллаш хам кўзланган максадни амалга оширишга хизмат килади. Чунончи: ТАТ, Розенцвейг фрустрацион тести, Роршах тести, Кеттелл тести, Векслер ва Айзенкнинг тестлари шулар жумласидандир.

Шундай килиб, биз юқорида Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимларнинг ўқитувчи психологиясига оид айрим қарашларини шарҳлаб ўтдик. Лекин бу ёндашув мукаммал таҳлилдан иборат деган ўнлаб хулосага келишдан йироқмиз. Чунки уларнинг ўнлаб мақолалари ва рисолалари устида тўла тўхталиш учун имконият етишмайди. Шунга қарамасдан, Республикамиз олимларининг бу сохадаги ишлари кўпгина мамлакатларда машхурдир.

Демак, юкорида билдирилган мулоҳазаларга асосланиб, Россиялик ва Ўзбекистонлик олимларнинг амалга оширган тадқиқот ишлари, уларнинг назарий ва амалий натижалари ўқитувчи психологиясининг ривожига муҳим улуш бўлиб қўшилади, деган хулосага келамиз.

**Адабиётлар**


1. Страхов И.В. Психологические основы педагогического такта. -М.: 1966. –С.273.
2. Кузьмина Н.В. Профессионализм личности преподавателя и мастера производственного обучения. - Москва: «Высшая школа», 1990. –С. 118.
3. Давлетшин М.Г., Жалилова С.Х. “Олий мактабда таълим жараёнининг самарадорлигининг психологик томонлари”. -Т.: ТДПУ, 2001.
4. Ғозиев Э.Ғ. «Олий мактаб психологияси». -Т.: «Ўқитувчи», 1997.



**РЕЗЮМЕ**

Хорижлик олимлар ўз асарларида ўқитувчининг муҳим фазилатлари мавжудлигини баён қилган бўлсалар, Ўзбекистонлик педагог ва психолог олимлар ўқитувчилик касби, унинг ўзига хос хусусиятларини ўрганганлар ва ўрганишда давом этмоқдалар.

**РЕЗЮМЕ**

В то время как зарубежные учёные констатируют в своих работах наличие важных качеств учителя, узбекские педагоги и психологи изучали и продолжают изучать профессию учителя и её особенности.

**SUMMARY**

While foreign scholars state in their works the presence of important qualities of a teacher, Uzbek teachers and psychologists have studied and continue to study the teaching profession and its features.


## БАСШЫЛАРДА ӘДАЛАТ ПАЗЫЙЛЕТИН ҚӘЛИПЛЕСТИРИЎ ҲӘМ ОНЫҢ ЖОЛЛАРЫ


**М.Т.Ережепов -** *магистрант*

*Әжинияз атындағы Нөкис мәмлекетлик педагогикалық институты*



**Таянч сўзлар:** раҳбар, адолат, давлат, миллат, халқ.

**Ключевые слова:** лидер, справедливость, государство, нация, народ.

**Key words:** leader, justice, state, nation, people.


Дүньяда миллет, халық, мәмлекет көп, бирақ раўажланыў ҳәр қыйлы. Бир мәмлекетлер алдыда болса, айрымлары ҳәм арқада яғный төмен тәризде турмыс кеширип атыр. Мәмлекеттиң раўажланыўы бул тараўларға байланыслы, яғный экономикалық, сиясый, социаллық, мәдений салаларында алып барылып атырған басқарыў системасының туўры жолға қойылыўы жүдә әҳмийетли болып есапланады. Мәмлекет алдына қойған мақсетлерине ерисиў ушын мәмлекеттиң ҳәр бир тараўын басқарыўда әдалат орнатылса, басшылардың қәлбинде әдалат пазыйлети қәлиплескен болса, сол тараўда, сол жәмийетте, сол мәмлекетте раўажланыў болады.

Әдалат бул – социал-философиялық, руўхый ҳәм ҳуқуқый түсиник. Әдалаттың социал-философиялық тәрепи жәмийет ағзаларының ҳәр түрли қатнасықларындағы өз ара теңлигин нәзерде тутады. Руўхый тәрепи инсанлардың өз ара әдеп-икрамлылық қатнасығында бирдей қатнасықта болыўын, бир-бирин ҳүрмет етиўи, әдеп-икрамлылық қағыйдаларына әмел етиўди билдиреди. Әдалаттың ҳуқықый тәрепи нызамларға бойсыныўды, басқалардың ҳуқықларын ҳүрмет етиўин аңлатады. Әдалат - инсанлардың социал-сиясый санасында үлкен роль ойнады. Раўажланған мәмлекетте әдалат адамлардың демократик қағыйдалар тийкарында ис алып барыўын талап етеди, онда ҳәр бир адам өз мийнети, исбилерменлиги, ақыл-зейинлилиги есабынан тапқан мал-мүлки арқалы жасайды.

Әдалат, ҳуқуқ ҳәм нызам бир-бири менен үзликсиз байланыслы буның айқын дәлили сыпатында ҳүрметли Президентимиз Ш.М.Мирзиёевтың «Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларин таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови» атлы китабында «Биз «Әдалат –нызам үстинлигинде» деген принцип тийкарында жәмийетимизде нызамға ҳүрмет, ҳуқуқбузарлыққа гүресиўшеңлик сезимин күшейтиўге қаратылған жумысларымызды тезлик пенен даўам еттиремиз» [1:11] деп келтирип өткен еди. Жәмийетте турақлылықты тәмийинлеў, халқтың разы болып жасаўында, әлбетте, адалат ҳәм нызам үстинлиги тәмийинлениўи керек. Нызам үстинлиги орнатылса, бул әдалаттың орнатылғанлығы есапланады. Қабыл етилип атырған нызамларға ҳүрмет руўхында болсақ, оларға әмел етсек ҳәр биримиз жәмийет ағзасы сыпатында әдалаттың қәлиплесиўине үлес қосқан боламыз, себеби нызамлар халқтың мәпин гөзлеп, олардың ертеңги күни мүнәсип турмыс шараятын ойлап қабыл етиледи.

Уллы бабамыз, Амир Темур өзиниң «Темур Түзиклери» китабында мәмлекетти басқарыўда «Енди мениң атақлы бахтлы перзентлерим ҳәм мәмлекетлерди басып алыўшы ақлықларыма жол-жорығым соннан ибарат, мен он еки нәрсени өзиме уран етип алып салтанат дәрежесине еристим. Усы он еки **түзүк** жәрдеминде мәмлекетимди қолымнан тутып, салтанатымды басқардым ҳәм салтанат тахтына гөззалық бердим. Олар ҳәм усы түзүкге әмел етсин. Мениң ҳәм өзлериниң мәмлекет салтанатларын абайлап асырасын» [2:30] деп атап өткен еди.

Бабамыздың мәмлекетти басқарыўда әдалаттың орны жүда әҳмийетли екенлиги халқымызға мийрас болып қалған ҳәр бир китабында қайта-қайта жазып қалдырған. Әдалатқа өзиниң «Темур түзүклер» китабында – әдалат ҳәм инсап пенен Таңримниң жаратқан бенделерин өзимнен разы қылдым. Гүналыға ҳәм, гүнасызға ҳәм реҳим менен, ҳақыйқатлық тәрептен ҳүким шығардым. Қайырқомлық ислерим менен инсанлардың кеўлинен орын алдым. Сиясат ҳәм инсап пенен әскерлеримди, халық үмит ҳәм қорқыныш арасында тутып